

Ўткан бир кун мактабда эдим. Бу икки йиллик мактабда бир муаллим жугрофия дарси бермакда экан; ташкаридан туриб ўзимни кўрсатмасдан бир оз дарсни тингладим; дарс мана шундай давом килмокда эди. Жугрофия, биринчи дарс:

Агар биздан сўрасаларким, дунёда нима бор? Жавоб бермогимиз керакким, куруклик билан сув бор деб. Тагин агар сўрасаларким, куруклик кўбми сув кўбми? Жавоб берамизким, дунёнинг тўрт хиссадан бир хиссаси куруклик, уч хиссаси сув деб. Агар тагин сўрасаларким, курукликни нима килгонлар? Жавобга айтмогимиз лозимдирким: бешга таксим килгонлар деб. Улар кайсилар деб сўрасалар, жавоб берамизким, биринчи Оврупо, иккинчи Осиё, учинчи Африко ... деб.

Мана дарс, мана мантик, мана 8—9 яшар болаларга жугрофия дарси!..

Мана шўролар ҳукуматининг баробарлашган меҳнат мактабига айлантириш керак деб жон чекишиб ёткон мактаби ахволи! Мана таълим ва тарбия!

Хозир Самаркандда 32 мактаб бор экан. Мана шунинг нечаси шу ахволда деб сўрагон сўрогга «барчаси — хаммаси шундай», демакдан бошка жавоб йўк.

Мактабларимизнинг барчасининг шу ахволда бўлиши яхши муаллимларимизнинг йўқлигидан эмас, муаллимларимизнинг орасинда яхшилари бор, лекин булар баъзи мактабларда биртагина тушуб колгонлар, бу муаллимлар ўз дарсларини тузуккина берадилар.

Лекин ўшал мактабларда-да бошка дарслар юкоридаги туруш билан борадир.

Тавоф килмайтургон жойи шу ердаким, шу ахволни хозиргача ҳеч ким майдонга кўймагон, ҳеч бир вақт бу тўғрида ёзилмагон, сўйланмагон.

Бу муаллимлар курсларинда таълим ва тарбия оти бўлиб ўзи бўлмагонидан келган. Хозирдаги саккиз оилик «таълим ватарбия» курсларинда муаллим бўлмағони учун таълим ва тарбия дарси йўк экан. Мана сиз андак мухокама килинг. Бу факат муаллимнинг айби эмас. Бунга маориф идораси ҳам айблик. Балки айбнинг кўби маориф идорасиндадир. Муниг иложини топиш мумкин. Самарканд шаҳринда таълим ва тарбиядан хабарлик бир-икки муаллим бор, топиладир...

Биз хозирги муаллим кучи ва шу ахволи билан мактабни ҳеч олиб боролмаймиз. Агар олиб борамиз деб кўнгирик (асрор) килсак, жиноят килгон бўламиз. Менимча, бу 32 мактаб миқдорини ўнга тушириш керак. Муаллимлар орасидан сайлаб ўн мактабга яраша ажратиш керак. Лекин курсга таълим ва тарбия дарсини хакикатда киргизиш керакдир. Бу бир.

Иккинчи: мактабларга болаларнинг келмаслиги; оу табиий бир хол. Биринчи – сира мактабдан бола фойдаланмайдир; гимнастикадан бошка нарса йўк

Сўгун - бутун муаллимларнинг даъвосинча бизим халкнинг мухаббатини жалб килиш учун мактабларда дин дарслари бўлсин. Муаллимлар расмий соатлардан бошка бир соат-ярим соат дин дарсини берсалар, болаларни келтириш учун отасини, кариндошларини камашлик керак бўлмай коладир.

Бу тажриба билан исбот бўлгондир. Маориф идораси, шўролар ҳукумати дин дарси ўқитишга қарши эмасдир. (Хусусан Туркистонда). Шу шарт биланким, ҳукумат пули кетмасун, муллалар ўқутмасунлар!

Чунки ҳукумат мусулмонлар учун пул берса, дин дарсларига ўруслар учунда керак бўладир, бу эса шўро ҳукуматининг конун асоси тарафидан номлангондир.

Чунки улар хурофот ва сафсатадан бошка нарса беролмайдирлар. Буларни эса

келтириб, саккиз-етти яшар болалар олдига қўйсак, фойда йўқдир. Балки кўб зарардир. Бултур муни тажриба килиб кўрдик...  
Мана бу юкни тадбирини кўришни маориф идорасига тавсия килар эдим.

**«Мактабларда ахвол» маколasi В.М. имзоси билан «Мехнаткашлар товуши» газетасининг 1921 йил 15 феврал сонидa босилган.**